

Ishonch

2019 йил 12 декабрь • пайшанба • № 149 (4278)

Ўзбекистон касба уюмлари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 декабрь кuni давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш натижадорлиги ва бу йўналишдаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётда давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириш мақсади ҳам белгиланган. Шунга мувофиқ, жорий йил 14 январда Президентимизнинг «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Ўтган қарийб бир йил мобайнида корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улушини самарали бошқариш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Таҳлилларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда 2819 та давлат иштирокидаги корхона мавжуд. Уларнинг аксарияти эски усулда, самарасиз ишлагани сабабли ҳатто дивиденд тўлай олмайди.

Президент бу ҳолатни жиддий танқид қилди.

– Давлат иштирокини ҳеч зарурат бўлмаган соҳаларда ҳам сақлаб турибмиз. Давлат корхоналарини бошқариш, фаолияти самарасини ошириш, уларнинг функцияларини хусусий секторга бериш бўйича ҳали сезиларли ўзгаришлар бўлмади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис, йиғилишда 2020 йилда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш бўйича янги вазифалар белгиланди.

Аввало, бундай корхоналарни ислоҳ қилиш ёки тугатиш, сақлаш ёки хусусий секторга бериш масаласини ўрганиш бўйича Бош вазир, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари бошчилигида ишчи гуруҳлар ташкил этилди.

Жумладан, ахборот технологиялари соҳасида 140 та корхона, ҳудудлардаги коммунал, қурилиш ва хиз-

мат кўрсатиш субъектларига тегишли 1573 та, геология, металлургия, молия ташкилотлари бўйича 137 та, енгил саноат, машинасозлик ва электротехника тармоқларида 49 та, ижтимоий соҳа, туризм ва фармацевтика йўналишларида 449 та, кимё, нефть-газ, энергетика соҳаларида 42 та, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғида 330 та, саноат зоналарида 99 та корхона бўйича алоҳида ишчи гуруҳлар тузилиб, уларнинг ҳар бирига молия вазири ўринбосарлари бириктирилди.

Ишчи гуруҳларга бир ой муддатда ҳар бир корхонани тўлиқ ҳатловдан ўтказиб, уларнинг рентабеллиги, ҳозирги қуввати ва истиқболлини таҳлил қилган ҳолда, 2020 йилга мўлжалланган аниқ режа ва тақлифлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Кўплаб компаниялар молиявий ҳисобот юритиш, ички назорат ва аудит ўтказиш, бошқарувга мустақил аъзоларни киритиш каби масалаларда оқсаётгани кўрсатиб ўтилди. Мутасаддиларга мазкур компанияларда корпоратив бошқарувни кенг жорий этиш, базавий соҳалардаги 32 та йирик корхонани ислоҳ қилишни жа-

даллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари – KPI (Key Performance Indicators) ҳар бир корхонада ишлаб чиқиши ва мунтазам назорат қилиниши лозимлиги таъкидланди. Давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобла-ниши ва бюджетга ўтказилишини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

Транспорт вазирлигида Лойиҳа офиси тузиб, ушбу соҳадаги корхоналарга хусусий секторни жалб этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Хусусийлаштиришга оид ёндашувларни тубдан янгилаш, халқаро экспертларни жалб этиб, бу борада бозор иқтисодиётига хос ва мос тизимга ўтиш зарурлиги таъкидланди.

Хусусийлаштириш ва корпоратив бошқарув бўйича мутахассислар тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш, давлат иштирокидаги корхоналар раҳбарларини шу борада ўқитиш муҳимлиги қайд этилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗА

КУН НАФАСИ

Шавкат Мирзиёев янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунни имзолади.
«Huquqiy axborot» телеграм канали

2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат Бюджети тўғрисидаги қонун Президент томонидан имзоланди.
«Huquqiy axborot» телеграм канали

Президент «Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.
uza.uz

Давлатимиз раҳбари «Ўзбекистон Республикаси йўл хўжалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони имзолади.
«Huquqiy axborot» телеграм канали

Тошкентда Эрон маҳсулотлари кўргазмаси очилди. Унда Эрон Ислам Республикасининг 30 га яқин йирик компаниялари таркибига кирувчи 100 дан зиёд бизнес субъектлари вакиллари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.
uza.uz

Сайлов – 2019

Муддатидан олдин овоз бериш жараёни бошланди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови жараёни қизғин паллага кирмоқда.

Сайлов 2019 йил 22 декабрь кuni бўлиб ўтади.

Сайлов кунинда ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар 12 декабрь кuni соат 09:00дан 18 декабрь соат 18:00га қадар муддатидан олдин овоз бериши мумкин бўлади.




Қорақалпоғистон Республикаси





НУКУСДА ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИ ОЧИЛДИ

11 декабрь кuni мактабда биринчи қўнғироқ чалиниб, дастлабки дарслар бошланди.

Мактабда ўқув жараёни қорақалпоқ, ўзбек тилларида, шунингдек, STEAM таълим дастури асосида олиб борилади. Математика, физика, кимё, биология ва ахборот технологиялари фанлари Буюк Британиянинг Cambridge University ташкилоти дастури асосида инглиз тилида ўқитилади. Маҳаллий ўқитувчилар билан бирга Кениядан, Буюк Британиядан ва Жанубий Африкадан саккиз нафар мутахассис тақлиф этилди.

Жорий йилда мактабга 7 минг 500 ўқувчи ҳужжат топширган бўлса, шундан иқтидорли 144 ўқувчи Кембридж университети халқаро имтиҳон бўлимининг тажрибали мутахассислари томонидан танлаб олинди. Ҳар бир синфда икки гуруҳга бўлинган ҳолда 12 ўқувчидан жами 24 ўқувчи билим олади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигида Япониянинг Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Бюроси – МЕТ Бош директори Шино Хосака бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.
Энергетика вазирлиги Матбуот хизмати

Жорий йилнинг 8 декабридан бошлаб АҚШнинг CNBC («Consumer News and Business Channel») телеканали Ўзбекистонга бағишланган олтинта фильмни эфирга узатишни бошлади.
uza.uz

Орол денгизининг қуриган майдонига «яшил қоплама» – ҳимоя ўрмонзорларини барпо қилишнинг навбатдаги мавсумига старт берилди.
uza.uz

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан биргаликда сенаторлар, бир қатор давлат ва нодавлат тузилмалари вакиллари иштирокида давра суҳбати ўтказилди.
uza.uz

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Жаҳон банки экспертлари гуруҳи ҳамкорлигида «Статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси 2020-2025» лойиҳаси бўйича семинар ташкил этилди.
uza.uz

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институтида «Коррупцияга қарши бирга курашамиз» мавзусидаги давра суҳбати ўтказилди.
uza.uz

Қайси нашрга обуна бўлмоқчисиз?

Обуна. Сўнги вақтларда бу сўз газета ходимлари учун оғриқли масалага айланди. Мажбурий обуна бекор қилинган, асл вазият ойдинлашди: кўпчилик матбуотни кузатмайди, ўқимайди, обуна бўлмайди... Шу боис ихтиёрий обуна бўлиш тушунчасини оммалаштирмас эканмиз, вазият ўзгармаслиги тайин. Нафақат зиёлилар, балки барча аҳоли албатта, газета-журнал, китоблардан узилмаглиги даркор. Зеро, мутолаадан узоқлашиш – маънавий таназзулга яқинлашувдир.

Келгуси сонларда ўқинг...

Миллат қалбини то этган санъат

«Ҳай» муносабат... Қачонгача?

Сўз мартабаси





Жиззах вилояти

Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятининг Жиззах вилояти бўлими айни вақтда 3 минг нафарга яқин 1-, 2-группа ноғиронларини аъзоликка қабул қилган. Жойларда 13 та туман-шаҳар бўлинмалари фаолият юритмоқда.

Аммо кейинги вақтларда кўзи ожиз ноғиронларнинг иш ўрни сақлаб қолилмаётгани, улар учун етарли шарт-шароит яратилмаётгани ҳақи эътирозларга сабаб бўлаётди.

— Юзага келган аҳволга лоқайд қараб бўлмайди, — дейди Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятининг Жиззах вилояти иш юритувчиси Сайёра Омонбоева. — Жамиятга аъзо бўлган 212 нафаргина киши доимий иш ўрнига эга. Маҳаллий ҳокимликлар «Кўзи ожизлар жамияти»нинг бўлинмалари ишига етарли эътибор бермаяпти. Ноғиронларнинг иш ўринини сақлаб қолиш учун кирмаган эшигимиз, учрашмаган раҳбаримиз қолмади. Бироқ ҳалигача натижа йўқ. Нима қилишга ҳам ҳайронимиз...

Кўзи ожизлар жамиятининг Жиззах вилояти бўлими тасарруфидидаги ўқув ишлаб чиқариш комбинати қошидаги «Жиззах саломатлик» масъулияти чекланган жамиятидамиз.

Ҳикмат

«Кимки кўзи ожиз одамни қирқ қадам етаклаган бўлса, унинг жаннатга кириши муқаррардир». Ҳадисдан

«КЎЗИМИЗ ОЖИЗДИР, АММО ҚЎЛИМИЗ БОТИР»

Иш ўринлари қисқариши сабаби нимада?

Бинонинг биринчи, учинчи қаватлари бўм-бўш. Иккинчи қаватидагина тўқув ва тикув дастгоҳлари ўрнатилган. Ҳайҳотдай ишлаб чиқариш цехида фақат бир кишини учратдик.

— Уч йилдан буён ушбу корхонада ишлайман, — деди ўзини Раъно Умирбоева дея таништирган аёл. — Бироқ сўнгги вақтларда иш тўхтаб қолди. Битта кўрпа ёки тўшак қавагимиз учун 5-6 минг сўмдан меҳнат ҳақи олардик. Кунига 20-25 минг сўм учун ишлаб оила тебратардим. Мана бир неча ойдики, ишсизман. Оладиган нафақам билан оила тебратиб бўлмайди. Ҳар кун бунортма бўлиб қолар, деган умид билан бу ерга келиб кетаман.

Шундан сўнг корхона раҳбари билан учрашдик. — Илгари шу цехнинг ўзида 100 нафардан зиёд кўзи ожиз ноғиронлар меҳнат қиларди, — дейди корхона раҳбари Низом Бобоев. — Аммо тайёрлаётган маҳсулотимизга талаб тобора камайиб борапти. Шу тариқа иш ўрни қисқармоқда. Маҳсулотни сифатсиз деб айтолмаймиз. Биз давлат стандартларига мос равишда маҳсулот ишлаб чиқарамиз. Ҳар бир маҳсулот махсус қолипларда тайёрланади. Че-

варларимиз зиммаларидаги топшириқни кўзи билан эмас, қалбдан ҳис этган ҳолда уддалайди. Бундан ташқари, тайёрланаётган маҳсулотларнинг барчасига соф пахтали матолар ишлатилади.

— 103 минг 500 сўм, ёстиқ — 31 минг сўм, чойшаблар жамламаси — 150 минг сўм. Буларнинг барчаси пул ўтказиш йўли билан сотилади. Лекин бозордан ана шундай маҳсулотларни сотиб олаётганлар сав-

қилган ҳаракатлари беиз кетмади, — дейди Сайёра Омонбоева. — Интилишлар натижасида Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондидининг грантини қўлга киритдик. Дўстлик тумани бўлинмаси имконияти чекланган кўзи ожиз ноғиронларни ўқитиб, касб-хунарга ўргатди. Айни пайтда касб-хунар эгаси бўлганлар-

Муаммога ечим борми?

— Илгари шу цехнинг ўзида 100 нафардан зиёд кўзи ожиз ноғиронлар меҳнат қиларди, — дейди корхона раҳбари Низом Бобоев. — Аммо тайёрлаётган маҳсулотимизга талаб тобора камайиб борапти.



— Унда муаммо нимада?

— Муаммо шундаки, маҳсулот давлат стандарти талаблари даражасида бўлгани сабабли нархи оқори, — дейди корхона раҳбари. — Бозордаги синтетик матолардан тайёрланган кўрпа-ёстиқлар нисбатан арзон. Харидорларимиз ана шунга учмоқда. Натижада, бизнинг маҳсулотлар оғирларда қолиб кетаяпти.

Корхона нархномасига кўз югуртирамиз. Кўрпа — 130 минг сўм, ту-

дони нақд пулда амалга оширади. Шу ўринда бир мулоҳаза: балки иш ўринларини сақлаб қолиш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш учун махсус дастур керакдир?

Тўғри, ўтган йили жамиятнинг вилоят бўлими ва жойлардаги 3 та бўлинмаси ўзлари учун ўзлари иш ўрни яратди.

— Ўтган 2018 йил бир қатор бўлинмаларимизнинг чорасизлиқдан

нинг 3 нафари доимий иш билан таъминланди. Қолган 7 нафар ноғиронни ўз касблари бўйича ишга жойлаштириш чоралари кўриляпти. Фориш тумани бўлинмаси грант эвазига кўзи ожиз ноғиронларга тўқувчилик касбини ўргатаётди. Бахмалликлар эса кимёвий тозалаш цехини ишга туширишди. Шу тариқа 4 нафар инсон иш билан таъминланди. Вилоят бўлими «Ноғиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан

қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг ҳуқуқий эркинликларини ҳимоя қилиш» мавзусидаги грант дастурини амалга оширяпти. Дастур доирасида «Мен брайлчани ўрганаман» китобини чоп эттиришди.

Аммо яна савол туғилади: биргина грант лойиҳаси билан кўзланган мақсадга эришиб бўладими? Қолган аъзолар манфаати, турмуши, ҳаёти қандай кечади? Бу оғриқли саволларга мутасаддилар ҳам қалб кўзи билан нигоҳ ташлаб, жавоб излаш вақти келмадимикан?..



Мукимбой ИСМОИЛОВ, «Ishonch»

Фарғона вилояти Луқма



СТАДИОНМИ?.. ЯЙЛОВ...

Спорт майдонлари нега қаровсиз қолмоқда?

Риштон туманида Қўқон давлат педагогика институтининг аjoyиб футбол стадиони бор. Аммо узокдан бинойидек кўринган стадионга яқин бориб, дилингиз хира тортади. Қаровсиз қолган майдон ажриғи шу қадар ўсганки, бу ерда на копток тепиб бўлади, на югуриб...

Икки четдаги волейбол ва баскетбол майдонидан ҳам охири марта қачон фойдаланилганини ҳеч ким эслаб олмас керак. Узунликка сакрашга мўлжалланган махсус жой эса аллақачонлар унутиб юборилгандек гўё... Худди шундай манзарага Данғара туманидаги собиқ Саннат касб-хунар коллежи стадионида ҳам дуч келиш мумкин. Стадион ёнидан жой олган югуриш йўлига қаровсизликдан бегона ўтлар остида қолиб кетган. Маҳаллий аҳолининг айтишича, спорт майдони чорва боқиш учун «зўр» жой экан. Баскетбол, волейбол майдони эса шунчаки жой эгаллаб турибди, холос. Устига-устак майдонларнинг ҳолати талабга жавоб бермайди. Очиғи, ушбу ҳолатлар ҳар иккала муассаса маъмурларининг парвойига ҳам келмаётгани кишига ғалати туюлади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Давлатимиз раҳбари томо-



Жамшид ЭРГАШЕВ, «Ishonch»

Самарқанд вилояти

Бундан ўн йил муқаддам Иштихон туманидаги «Бешкапа» фуқаролар йиғини ҳудудида 180 ўринли 64-умумтаълим мактаби қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Айни пайтда мактабда 400 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Бу бир ўқувчи ўрнига икки нафардан кўп дегандир. Шу боис, мактаб маъмурияти синфхоналарни қўлбола тарзда иккига бўлишга мажбур бўлмоқда. Синфхоналарга икки табақали эшиклар ўрнатилиб, юпқа тахта ёрдамида иккига бўлинган. Мактаб йўлагининг бир томони бироз қисқартирилиб, кўпи билан 350-400 дона китоб ва биргина стол-стул жойлашадиган торгина кутубхона ташкил қилинган.

Бу ёғини сўрасангиз, мактабда буфет, спорт зали, меҳнат таълими дарсларини ўтишга мослаштирилган устахона қуриш режага ҳам киритилмаган. Устига устак, мактабнинг умумий ер майдони бор-йўғи 30 сотих. Унинг атрофида қурилган аҳоли хонадонлари шунчалар тигиз жойлашганки, жисмоний тарбия, меҳнат ва бошқа амалиёт билан боғлиқ дарсларни эмин-эркин ўтишининг мутлақо илоҳи йўқ.

Мактаб жамоаси «Бешкапа» қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари туман ва вилоят миқёсидаги мутасадди ташкилотларга бу ҳақда бир неча марта мурожаат қилган. Уларга «Кўриб чиқилади, ўрганилади, қурилиши режалаштирилмоқда» қабилидаги қуруқ жавоблар берилган. Иштихон тумани халқ таълими бўлими бошлиғи Иззатилло Фозиловнинг маълум қилишича, мактаб

ҚОҒОЗДАН ЯСАЛАЁТГАН ҚАНОТ

ёхуд Иштихондаги ғаройиб мактаб

биносига 160 ўринли қўшимча бино қуриб бериш 2018 йилдан буён давлат режасига киритилди. Аммо қуришга келганда... Бунинг сабаби қишлоқ фаолларига номаълум.

Шу ўринда табиий савол туғилади: Хўш, қўшимча 160 ўринли бино қарерда қурилади? Ахир, шусиз ҳам жой тор бўлса?

Муаммони қуруқ қоғозбозлик, лоқайдлик билан ишлаб чиқилган хом-хотала режалар билан ечиб бўладими? Ахир, қоғоздан қанот ясаб бўлмаслиги айни ҳақиқат-ку!

Хуллас, тор ва танг шароитдаги мактабга қўшимча бинолар қуриладиган бўлса, вазият янада чиғаллашади. Мактаб биносини бошқа жойда қайта қуриш энг тўғри йўл. Шунда турли ташкилотларга «Мактабимизга қўшимча бино қурилди, энди спорт зали, маънавият ва маърифат хонаси, турли тадбирлар, йиғинлар ўтказиладиган бино, стадион, ошхона қуриш учун қўшимча ер ажратилди» деган мазмундаги аризалар жўнатилмайди.

Дарвоқе, шу ҳудудда яшайдиган аҳоли учун бугун замон талабига мос келадиган мактабга таълим муассасаси ҳам сув билан ҳаводек зарур. Бу борада туман мактабга таълим бўлимига кўп




бор мурожаат қилинган. Аммо бўлим мутасаддилари «Тадбиркор топиб, хусусий мактабга таълим муассасаси қуришлар» дея «қоғоз жавоб» қайтаришган.

Мактаб ва мактабга таълим муассасалари билан боғлиқ ҳар қандай масала — келажакка дахлдор масала. Қуруқ ваъдалар бериш билан иш битмайди. Бунга мутасаддилар жиддий эътибор қаратмас экан, тор жойнинг томошаси тугамайди. Демак, гап энди уларда қолган...



Нормурод МУСОМОВ, «Ishonch»



Оғриқ тишлар...

Реклама лавҳаси ўзгартирилди

Advertisement for 'Original Mebel' featuring a photo of a woman and text: 'МУТАСАДДИЛАР ЭЪТИБОРИГА! ФОТОНИГОХ... ХОТИН ЕСКИ БО'ЛСА БО'ЛСИН МЕБЕЛ ЕСКИ БО'ЛМАСИН!!!' with contact info 200-66-64.

«Ishonch»га жавоб берадилар

«Ishonch» газетасининг шу йил 23 ноябрдаги сонидида чоп этилган «Пул бор жойда савияга ўрин йўқ(ми?)» сарлаҳали фототанқидга Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлиги қўйидаги муносабат билдирди:

Тадбиркор Б.Исмоилжўаевга тегишли бўлган «Хотин эски бўлса бўлсин, мебель эски бўлмасин!!!» мазмундаги реклама лавҳасида «Original Mebel» МЧЖ ишлаб чиқарган мебель маҳсулотлари реклама қилинган. Қўмитанинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси тадбиркор ва корхонага мазкур рекламани бошқа мақбул сўзга ўзгартириш ёки олиб ташлашни тавсия этгандан сўнг реклама лавҳаси ўзгартирилди.

Агентлик ўрнатилган ташқи рекламаларни қонун ҳужжатлари талабларига, уларни давлат ва жамоат манфаатларига, ахлоқ ва маънавиятнинг умумэтироф этилган нормаларига тўлиқ риоя қилган ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ишчанлик оғриқига зарар етказмайдиган ҳолда жойлаштирилиши юзасидан тегишли назорат ва профилактика тадбирларини амалга оширишда давом этади. Директор Э. ҲАЙТМЕТОВ

